



ISSUES OF STRENGTHENING THE SOCIAL PROTECTION OF MILITARY SERVICEMEN AND THEIR FAMILY MEMBERS

Sarvar Mingishovich Kholiqov

Doctor of Philosophy in Law (PhD)

Independent researcher at the University of Public Security

Email: sarvar_kholikov@mail.ru

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Military servicemen, social protection, benefits, pension, housing, financial support, defense, legislation.

Received: 25.06.25

Accepted: 27.06.25

Published: 29.06.25

Abstract: Since gaining independence, Uzbekistan has established a strong legal and institutional framework for the social protection of military personnel and their families. The “New Uzbekistan Development Strategy 2022–2026,” initiated by President Sh. Mirziyoyev, identifies comprehensive support for military servicemen as a strategic priority. This article discusses current benefits and entitlements, including housing, financial support, healthcare, and pensions, and explores further reforms based on international best practices.

ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ВА УЛАР ОИЛА АЪЗОЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯСИНИ КУЧАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Сарвар Мингишович Холиқов

мустақил изланувчиси, ю.ф.ф.д (PhD),

Жамоат хавфсизлиги университети

sarvar_kholikov@mail.ru

Ташкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзла: Ҳарбий хизматчи, ижтимоий ҳимоя, имтиёз, пенсия, уй-жой, моддий таъминот, муҳофаа, қонунчилик.

Аннотаци: Ўзбекистонда мустақиллик йилларида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоялаш бўйича мустақам ҳуқуқий-меъриий база шаклланди. Президент Ш.Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”да ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш

устувор йўналиш сифатида белгиланди. Мақолада ҳарбий хизматчилар учун белгиланган имтиёзлар, моддий таъминот, уй-жой, тиббий хизмат ва пенсия таъминоти, шунингдек, халқаро тажриба асосида ушбу тизимни янада такомиллаштириш масалалари ёритилган.

ВОПРОСЫ УСИЛЕНИЯ СОЦИАЛЬНОЙ ЗАЩИТЫ ВОЕННОСЛУЖАЩИХ И ЧЛЕНОВ ИХ СЕМЕЙ

Сарвар Мингишович Холиков

Кандидат юридических наук (PhD)

Независимый исследователь Университета общественной безопасности

sarvar_kholikov@mail.ru

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Военнослужащие, социальная защита, льготы, пенсия, жильё, материальное обеспечение, оборона, законодательство.

Аннотация: В Республике Узбекистан с момента обретения независимости была создана прочная нормативно-правовая база по социальной защите военнослужащих и членов их семей. В стратегии развития "Новый Узбекистан на 2022–2026 годы", инициированной Президентом Ш.Мирзиёевым, данное направление определено в числе приоритетных. В статье рассматриваются существующие льготы для военнослужащих, вопросы материального обеспечения, жилищных условий, медицинского обслуживания и пенсионного обеспечения, а также предложения по дальнейшему совершенствованию системы с учетом международного опыта.

Республикамізда мустақиллик йиллари давомида шаклланиб келган аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизими муҳтарам Юртбошимиз Ш.Мирзиёев ташаббуси билан янада ислоҳ қилиниб, Тараққиёт стратегиясининг устувор йўналишларидан бирига айланди. “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”да “Қуролли Кучлар ҳарбий хизматчиларини ва уларнинг оила аъзолари ижтимоий ҳимоясини ҳар томонлама кучайтириш” 91-мақсад ва устувор йўналиш этиб белгиланди.

Ҳарбий хизматчилар ва улар оила аъзоларининг ижтимоий таъминоти муҳофаа ва ҳавфсизлик соҳасидаги ислохотларнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Миллий қонунчилигимизда ҳарбий хизматчилар ижтимоий таъминоти бўйича кафолат, имтиёзлар, компенсация ва уларни қўллаш бўйича принципиал қоидалар акс этган. Қонунчиликка

биноан барча ҳарбий хизматчилар Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети маблағлари ҳисобидан озиқ-овқат, пул, кийим-кечак, уй-жой таъминоти билан таъминланади, қонунчиликда белгиланган пенсия ва тиббий таъминот ҳамда бошқа ижтимоий кафолат ва имтиёзлардан фойдаланади.

Ўзбекистон Конституциясида ҳам ижтимоий ҳимоя ва имтиёзлар қонун ҳужжатлари асосида белгиланиши кўрсатилган бўлиб, ушбу конституцион қонидани ҳарбий хизматчилар ҳаётига татбиқ қилиш мақсадида мудофаа ва ҳарбий соҳада янгилашиш жараёнларининг ҳуқуқий асослари бўлган “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги, “Мудофаа тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида”ги, “Мудофаа доктринаси тўғрисида”ги сингари қонунлар, ўнлаб қарор ва фармонлар қабул қилинган.

Мамлакат хавфсизлиги ва осойишталигини таъминлаш баробарида Ватан ҳимоячиларининг ижтимоий таъминотига оид чора-тадбирларнинг асосий ҳуқуқий негизлари ишлаб чиқилди. Жумладан, Мудофаа доктринасининг ҳарбий-иқтисодий жиҳатдан таъминланиш асосларида ҳарбий хизматчилар ва улар оила аъзоларининг турмуш даражасини юксалтириш вазифалари қайд этилган. Ушбу вазифалар ва раҳбарий қоидалардан келиб чиқиб Қуролли Кучларда ижтимоий ҳимоя чора-тадбирлари тизимли равишда амалга оширилиб келинмоқда.

Х.Ҳақназаров қайд этганидек, “ушбу қонун билан ҳарбий хизматчилар ва улар оила аъзоларининг турмуш даражасини юксалтириш, ички таъминоти, уй-жой, тиббий ва пенсия таъминотини такомиллаштириш механизмлари белгиланди”.

Ҳуқуқшунос олим Ш.Ғазиев қайд этганидек, яқин вақтлардан Қуролли Кучларда “ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя” тушунчалари муомалада вужудга келди. Муаллиф таъкидлашча, ҳатто конституцияда ҳам оила, оналик, болалик давлат муҳофазасида бўлишлиги белгиланган бўлиб, ҳарбий хизматчиларнинг оилалари ҳам бундан четда қолгани йўқ.

О.М.Рогачевский фикрига кўра, “ижтимоий ҳимоя” ва “ҳуқуқий ҳимоя” ягона интеграллашган тушунча сифатида ҳарбий соҳада ягона ижтимоий институт - давлат сиёсатини анлатади.

Қуролли Кучларда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоялаш соҳага оид асосий ислохотлар йўналишларидан бири сифатида олиб борилишининг боиси шундаки, дунёда ҳарбий контингентни моддий-молиявий таъминлаш ва ижтимоий ҳимоялаш ҳар қандай давлат мудофаа функциясининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Ижтимоий ва моддий-техник таъминот, ижтимоий-

иқтисодий омиллар Қуролли Кучларни сақлаб туришнинг асосий элементидир. Халқаро валюта фонди ва Стокгольм халқаро тадқиқотлар институти (SIPRI) ҳарбий бюджет ҳажми бўйича топ ўнталик мамлакатлар (АҚШ, Хитой, Ҳиндистон, Россия, Буюк Британия, Саудия Арабистони, Германия, Франция, Япония, Жанубий Корея) рейтингини эълон қилиб, уларнинг бюджет сарфи ЯИМнинг 1-8,4% улушини (45,7–252 млрд.\$) ташкил этаётганини қайд этади.

Мамлакатимизда ҳам сўнгги йилларда Қуролли Кучларни ижтимоий-иқтисодий ва моддий-техник таъминотини кучайтиришга улкан эътибор қаратилмоқда. Хусусан, давлат бюджетининг муҳофаа сарф-ҳаражатлари йил сайин оширилиб, бу мақсадларда 2020 йилда 23 трлн сўм, 2021 йилда 26,2 трлн.сўм, 2022 йил 29 трлн.сўм, 2023 йилда 37 трлн.сўмдан зиёд маблағ ажратилган.

Бироқ, бозор муносабатларига жадал киришилаётгани, банк-молия, пул-кредит сиёсатида рўй бераётган ўзгарувчан вазиятлар, юқори инфляцион таргетлар ҳарбий хизматчилар ва уларнинг oilаларини ижтимоий муҳофазалаш борасидаги ижтимоий сиёсат кўрсаткичларига таъсир этмасдан қолмайди. Айниқса, жаҳондаги бесаранжом вазият, эҳтимолий хавф ва ҳаракатларнинг юқорилиги ҳарбий хизматчилар кучларини доимо шай ҳолатда бўлишини ва сафарбар этишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов ўз вақтида “ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг oilа аъзолари эҳтиёжларига жавоб берадиган замонавий ҳарбий шаҳарчалар барпо этиш, ҳарбий округлар миқёсида интеграциялашган қўшинларорти таъминотини йўлга қўйиш, ижтимоий, уйжой, маиший, тиббий таъминот тизимларини яратиш юзасидан қабул қилинган давлат дастурларини амалга ошириш вазифалари доимий эътиборимиз марказида бўлиши керак”лигини ўринли таъкидлаган эди. “Бу вазифаларнинг ўта муҳим аҳамияти ҳақида тўхталиб, у: “авваламбор, бугунги шароитда фақат пухта тайёргарликка эга бўлган, ҳар томонлама яхши таъминланган ва ижтимоий ҳимояланган Қуролли Кучларгина хавфсизлик ва барқарорликнинг, сарҳадларимиз дахлсизлиги ва мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигининг, пировард натижада эл-юртимизнинг тинчлиги ва осойишталигининг, осуда ҳаётимизнинг мустаҳкам ва ишончли кафолати бўла олади” дея ҳаётий ҳақиқатни айтган эди.

Йиллар давомида соҳада амалга оширилган ислохотлар натижасида ҳарбий хизматчиларнинг ҳаёти ва соғлиғи муҳофазалаш, уларни ижтимоий суғурталаш, пул, пенсия ва уй-жой таъминоти, таълим соҳасидаги имтиёзларни кенгайтиришга катта аҳамият қаратиб келинди, тегишли қарор ва фармонлар ҳаётга татбиқ этилди. 2019 йил 12

сентябрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4447-сонли қарори билан “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисида” янги таҳрирда низом тасдиқланиши ҳарбий хизматчилар ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясининг сифат жиҳатидан янги даврини очди, дейишимиз мумкин.

Унда давлатнинг ҳарбий хизматчи ва унинг оила аъзолари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича мажбуриятлари контрактда белгиланиши, ҳарбий хизматчи давлат бюджети маблағлари ҳисобидан пул, озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа моддий таъминот олиши, ҳарбий хизматчиларга бепул тиббий ёрдам кўрсатилиши, дори воситалари ва тиббий мулк билан бепул таъминланиши, санатория-курортда бепул даволаниши, пенсия, ижтимоий суғурта ва ёрдам пули олиши каби ижтимоий таъминотнинг стандарт турларидан ташқари бир қанча рағбатлантирувчи омиллари назарда тутилди.

Юридик адабиётларда давлат ижтимоий ҳимояси таркибига кирувчи умумий ёрдам ва ижтимоий таъминот турлари эса турлича таснифланган . Масалан, ҳуқуқшунос олим Й.Турсунов давлат пенсияси ва нафақаларини, моддий ёрдамни, натурал ёрдамни (озиқ-овқат маҳсулотлари, рўзгор буюми ва б.), ногиронлар реабилитациясини ва тиббий-фарматевтика хизматларини келтиради. Муаллиф бошқа ижтимоий ёрдам ва имтиёзлар тақдим этилиши мумкинлигини ҳақ таъкидлайди.

Россия олимларидан Н.Серебрякова , М.Воронцева ва В.Макаровалар эса ҳарбий хизматчиларнинг юқоридаги таъминот турларини асосий 4 та тоифага ажратади: пенсия, уй-жой (доимий, вақтинча), пул-моддий таъминоти (меҳнатга ҳақ тўлаш, компенсация, имтиёз) ва соғлиқни сақлаш (мажбурий ва тиббий суғурта). Л.Шипулина фикрига кўра , ҳарбий ижтимоий ҳимоянинг энг катта ва асосий таркибий элементларидан бири бу ижтимоий хизматлар. Муаллиф Россияда биргина 1995 йилдаги “Фахрийлар тўғрисида”ги қонуни билан собиқ ҳарбий хизматчиларга кенг имкониятлар яратилганини фактларда келтиради.

И.В.Голобородько фикрига кўра, ҳарбий хизматчиларнинг пенсия ва нафақа таъминоти, давлат мажбурий суғуртаси, пул-моддий таъминот улар ижтимоий таъминоти стандарт вариантлари бўлгани билан, қонунчиликда белгиланган бошқа турдаги ижтимоий ёрдам ва компенсациялар ҳарбий хизматчилар ижтимоий ҳимоясининг махсус турларини қўллашни, махсус жамғармалар ташкил қилишни истисно қилмайди. Чунки, ажратилаётган умумдават маблағлари билан таъминотдаги эҳтиёж ўртасида фарқ бўлади ва уни қондириш йўллари изланиши лозим .

Бизнинг фикрмизча, ижтимоий тараққиётимизнинг айниқса кейинги йилларида очиқ инвестицион сиёсат ва эркин бозор муносабатлари механизмлари янада кенгрок

жорий қилинаётган шароитда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларига давлат йўли билан мадад беришни, уларнинг таъминоти билан боғлиқ масалаларни кучайтириш лозим, ҳарбий хизматчиларнинг имтиёзлари ва пул таъминотини қўллаб-қувватлаш ва ошириш, индексациялаб бориш муҳим аҳамият касб этади. Илм-фан назариясида ҳам олимлар бу ғояни қўллаб-қувватлайди.

Н.Антипьевага кўра, ижтимоий имтиёзларни қўллашда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилалари алоҳида субъект тариқасида кўрилади ва ижтимоий таъминотнинг самарали тизими Қуrolли Кучлар ҳарбий хизматчилари ҳаёти ва манфаатларини яхшилаш мақсадини кўзлайди .

Қ.Жўраев таъбири билан айтганда, ижтимоий таъминотга оид қатор муҳим қонунлар қабул қилинди . Хусусан, таълим соҳасини оладиган бўлсак, Республика Президентининг 2018 йил 14 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучлари ҳарбийлари ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари учун республика олий таълим юр்தларига 5 % грант асосида кафолатланган қабул квотаси ажратилди. Шу асосда ҳарбийлар фарзандлари олий таълимга ўқишга имтиёзли қабул қилинмоқда. Масалан, 2024/2025 ўқув йилида Миллий гвардия органлари ҳарбий хизматчи (ходим)ларининг фарзандларига Олий ва олий ҳарбий таълим муассасаларига имтиёз асосида ўқишга киришлари учун 1002 та, Мудофаа вазирлиги тизимида 2024 йилда 1246 та, 2024 йилда ФВВ ҳарбий хизматчиларнинг фарзандагарига 398 та тавсияномалар берилди.

Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, ҳарбий қисм қўмондонлигининг тавсияномаларига эга бўлган фуқароларга давлат таълим муассасаларига кириш имкониятлари берилмоқда. Масалан, 2019-2020 ўқув йилидан бошлаб олий ҳарбий таълим муассасаларидаги таълим йўналишларига ўқишга киришда тест синовлари натижаларига кўра тўплаган баллнинг 50% миқдорида қўшимча балл шаклидаги имтиёз берилмоқда .

Ҳарбий хизматчиларни имтиёзли ипотека кредити асосида уй-жой билан таъминлаш тизимида ҳам ислохотлар қилинди . Ҳарбийларни уй-жой билан таъминлаш, оила аъзоларини қўллаб-қувватлаш учун муносиб шароитлар яратилмоқда.

Л.М.Пчелинцованинг қайд этишича, уй-жой таъминоти ёрдами муҳим аҳамият касб этади ва Россияда ҳарбий хизматчиларни уй-жой таъминотини ташкиллаштиришда субсидия тизими борлигини қайд этади. Таъкидлаш жоизки, бу механизмлар бизда ҳам мавжуд. Масалан, 2024 йилда Миллий гвардия ҳарбий хизматчиларига 616 та хонадон

топширилган бўлса, Мудофаа вазирлиги тизимида 2024 йилда 757 та, ФВВ тизимида 318 та хонадон учун узоқ муддатли ипотека кредити асосида пул маблағлари ажратилган.

Ҳарбий хизматчилар ижтимоий ҳимоясининг асосий турларидан бири, бу – ҳаёт ва соғлиқни муҳофазалаш мақсадида давлат мажбурий суғуртаси ҳисобланади. “Ҳарбий хизматчиларнинг давлат мажбурий шахсий суғуртаси – бу ҳарбий хизматчиларнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни қоплаш, уларни ва оила аъзоларини нафақа, суғурта тўлови ва бошқа имтиёзлар билан моддий қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат ижтимоий ҳимояси тури.

Баъзи олимлар, хусусан А.Лемехов ўз тадқиқотида давлат мажбурий суғуртасини ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш тизимининг асосий элементи сифатида таъкидлайди .

С.В.Васиёв ҳарбий хизматчилар ижтимоий таъминоти зарурий талаби сифатида мажбурий суғурта жорий қилинади деб таъкидлайди ва муаллиф суғурта тизими АҚШ, Швецияда ва Италия Қуrollи Кучларида яхши қўйилганлигини қайд этади .

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 26 январда “Ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий мажбуриятли шахсларнинг,

оддий аскарлар ҳамда бошлиқлар таркибига кирувчи шахсларнинг давлат мажбурий шахсий суғуртаси тўғрисида”ги 38-сон қарорига асосан ҳарбий хизматчиларга қуйидагича суғурта суммаси тўлаб берилади:

а) суғурталанган шахс Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ватан ҳимояси ва эл-юртимиз тинчлиги йўлида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ходимлар оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2023 йил 13 мартдаги ПФ-34-сон Фармонида мувофиқ 2023 йил 1 апрелдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан эълон қилинган фавқулодда ҳолат (уруш ҳолати) даврида жалб қилинган вақтда, шунингдек, жанговар (ҳарбий) ҳаракатлар олиб борилаётган пайтда яраланганлиги, контузия ёки майиб бўлганлиги оқибатида ҳалок бўлганда — унинг меросхўрларига базавий ҳисоблаш миқдорининг 200 баравари миқдорида;

б) суғурталанган шахс хизматни ўташ (ҳарбий йиғинлар) даврида ҳалок бўлганда ёки хизмат (ҳарбий йиғинлар)дан бўшагандан сўнг бир йил мобайнида олинган жароҳат (контузия), касалланиш натижасида вафот этганда - унинг меросхўрларига (меросхўрлик ҳуқуқини тасдиқлайдиган гувоҳнома тақдим этилган тақдирда) республикада белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 7 йиллиги миқдорида;

в) суғурталанаган шахс хизматдан бўшагандан кейин бир йил мобайнида унга хизматни ўташ (ҳарбий йиғинлар) билан боғлиқ бўлган ногиронлик белгиланганда: I гуруҳ ногиронига – юқоридаги "а" кичик бандда назарда тутилган тўловларнинг 75%, II гуруҳ ногиронига – 50%, III гуруҳ ногиронига – 30% миқдорида;

г) суғурталанган шахс хизматни ўташ (ҳарбий йиғинлар) даврида оғир жароҳатланганда – "а" кичик бандда назарда тутилган тўловларнинг 20% ва енгил жароҳатланганда 10 % миқдорида суғурта пули тўлайдилар.

Ўйлашимизча, ҳарбий хизматчилар суғуртасини такомиллаштириш лозим, чунки ундан фойдаланиш самарадорлиги ҳозирги кунда пастлигича қолмоқда. Масалан, ҳарбийларнинг ўрта оғир даражадаги жароҳати ёки касалланишлари учун суғурта пули тўлаб берилмайди.

Умуман олганда, 2021 йил 23 ноябрдаги “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонунида мажбурий суғуртани амалга ошириш шартлари ва тартиби Қонун билан белгиланади, деб кўрсатилган бўлсада, бироқ, ҳарбий хизматчилар мажбурий суғуртаси ханузгача Ҳукуматнинг (1994 йил 26 январдаги 38-сон) қарори билан тартибга солинмоқда.

Айрим Европа давлатлари ва АҚШда, шунингдек баъзи бир МДХ мамлакатлари (Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Озарбайжон)да суғурта масалалари алоҳида махсус қонунлар билан ҳукукий тартибга солинган. Масалан, суғуртага оид 1998 йилдаги Россия Федерал қонуни, 2004 йилдаги Қирғизистон қонуни ёки 1997 йилги Озарбайжон Республикасининг қонунларида суғурта муносабатларининг объекти, субъектлари, суғурта бозоридаги очик рақобат муҳити, суғурта суммаларининг аниқ миқдорларига оид эътиборга молик қоидалар бор. Хусусан, ҳарбий хизматчилар ҳаёти ва соғлиғини суғурталашга тегишли лицензияга эга бўлган, Россия қонунчилиги бўйича шунингдек 2 йиллик иш тажрибасига эга ҳар қандай суғурта бозори компанияси даъвогарлик қилиши мумкин.

Хорижий тажрибалар асосида Ўзбекистонда “Ҳарбий хизматчиларнинг (ходимларнинг) давлат мажбурий суғуртаси тўғрисида”ги Қонун ишлаб чиқиш ва қабул қилиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисобламиз.

Бундан ташқари ҳарбий қонунчилигимиз бўйича уларга оғир ва ўрта оғир даражадаги тан жароҳатлари учун бир марталик компенсациялар тўлаб берилади. Яъни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида тан жароҳати олган ҳарбий хизматчиларга (ходимларга) ёки ҳалок бўлган (вафот этган) ҳарбий хизматчиларнинг (ходимларнинг) оила аъзоларига бир марталик нафақа тайинлаш

ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги ПҚ-4382-сон қарорига кўра Қуролли Кучларида хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида тан жароҳати олган ҳарбий хизматчиларга ёки ҳалок бўлган (вафот этган) ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларига бир марталик нафақа тўланади. У суғуртадан эмас, балки давлат бюджетидан молиялаштирилади.

Бир вақтнинг ўзида суғурта ҳамда нафақани олиш имконияти мавжуд бўлиб, суғуртадан фарқли равишда нафақа миқдори пул таъминоти маошига боғлиқ бўлади. Масалан, хизмат мажбуриятларини бажаришда ҳалок бўлган ҳарбий хизматчи оиласига мархумнинг асосий эгаллаган лавозими бўйича маоши ва ҳарбий унвон маоши йиғиндисининг 100 баробари (Ички ишлар органларида эса 100 бараваригача) миқдорда нафақа берилади. Хизмат мажбуриятларини бажаришда тан жароҳати олган ҳарбий хизматчиларга эса:

- оғир тан жароҳати олганда – пул таъминоти окладининг 50 баробари;
- ўртача оғир тан жароҳати олганда - пул таъминоти окладининг 20 баробари миқдорида нафақа тайинланади. Енгил тан жароҳати учун эса нафақа тайинланмайди.

Н.В.Антипьева таъкидлашича, ҳарбий хизматчилар ижтимоий ҳимоясининг асосий турларидан бири бу - соғлиқни сақлаш бўлиб, ҳарбий хизматчиларга тиббий ёрдам ва тиббий хизмат кўрсатиш турлари ва асоси, бир сўз билан айтганда тиббий – ҳукуқий таъминот кафолатланган бўлиши керак.

2022-2026 йилларга мўлжалланган “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси”да тиббий таъминот сифатини ошириш бўйича вазифалар қўйилган ва тиббий инфратузилмасини такомиллаштиришга 140 млрд.маблағ сарф-харажат қилиниши режалаштирилган.

Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида ҳозирги кунда давлат ва нодавлат тиббий хизматлар соҳаси ривожланди. Ҳарбий хизматчиларга тиббий-ижтимоий ёрдам бир неча турда кўрсатилмоқда. Хусусан, 2024 йил давомида Миллий гвардияда 11 500 та ҳарбий хизматчи ва 23 000 ходим чуқурлаштирилган тиббий текширувдан ўтказилди, ҳарбий хизматчиларнинг жами 40 мингдан ортиқ оила аъзолари тиббий кўрикдан ўтказилди, санаторияда даволаниш ва соғломлаштириш мақсадида жами 912 та йўлланмалар ҳарид қилинди ва жойларга тарқатилди.

Ҳарбий хизматчи ва уларнинг оила аъзоларига бирламчи тиббий-санитария ёрдами, шошилиш ва тез тиббий ёрдам, ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатилди, тиббий текширувлар ўтказилди, тиббий буюмлар билан таъминлаш чоралари кўрилди. Тиббий хизмат билан боғлиқ ҳолатда ҳарбий хизматчиларга бир қанча имтиёзлар берилди.

Масалан, 2024 йилда Мудофаа вазирлиги тизимида тиббий кўриклар ташкиллаштирилиб, 29 592 нафар фуқаро тиббий кўриқдан ўтказилди. Тадбирлар давомида, 1 732 нафар ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари, шундан 1 063 нафар аёллар, 479 нафар болалар ва 190 нафар эркаклар тиббий текширувларга жалб этилди. 2024 йилнинг ёз мавсумида 5-сменадан иборат Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги болалар соғломлаштириш оромгоҳларида 2 196 нафар болалар имтиёзли дам олишлари ташкил этилди.

Таъкидлаш муҳимки, имтиёз белгилангани билан тиббий таъминотда ечимини кутаётган долзарб масалалар талайгина. Сирасини айтганда, ўз ечимини кутаётган ташкилий-ҳуқуқий масалалар бор. Уларнинг айримлари хусусида Президент Ш.Мирзиёев қуйидагича келтиради: “Чақирилувчиларни тиббий кўриқдан ўтказиш амалиёти тиббиёт муассасалар фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда, шифокорлар етишмаслиги сабабли штатлар бўш қолмоқда. Мудофаа ишлари бўлимларида ўтказилаётган тиббий кўриклар кўп ҳолларда куннинг биринчи ярмигача ташкил қилингани ва тумандаги марказий поликлиника шифокорлари комиссияга жалб этилиши натижасида аҳолининг ҳақли норозиликлари ва эътирозлари юзага келмоқда. Айниқса, Андижон, Бухоро, Навоий, Наманган ва Сурхондарё вилоятларида чақирилувчиларни тиббий кўриқдан ўтказиш вақти ўртача 9.00-10.00 дан бошланаётгани, шунингдек битта шифокорга аҳолининг ўртача сони 400 нафарни ташкил этмоқда”.

Дарҳақиқат, Қуролли Кучлар таркибидаги идоралар қошидаги тиббиёт хизмати, даволаш-профилактика муассасалари, ҳарбий-тиббий комиссиялар тизимида хусусий сектор иштирок этмайди. Хусусий тиббиёт муассасалари билан солиштирганда тиббий хизмат сифати нисбатан пастроқ, ҳарбий хизматдаги тиббий кадрлар етишмайди. Гоҳида ҳарбий-тиббий комиссияларда тор доирадаги мутахассислар йўқлиги ҳам муаммо. Бу ҳол тиббий кўрик ишларининг сифатига таъсир кўрсатмай қолмайди.

Н.Норматов маълумотларига кўра, хусусий тиббий муассасалар сони 1,5 мингдан, хусусий амалиёти билан шуғулланаётган шифокорлар сони 2 мингдан ошди . Ўз навбатида давлат соғлиқни сақлаш тизими ва хусусий тиббиёт ўртасида соғлом рақобат муҳити шаклланди.

Тиббий хизматни ташкил этишдаги юқоридаги қийинчиликларни инобатга олиб, ҳарбий хизматчиларнинг тиббий хизматини ташкил қилишни тиббиёт соҳасидаги хусусий секторга - аутсорсингга топшириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Бу Қуролли Кучларда сифатли тиббий хизмат ва давлат-хусусий шерикчиликни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Қонунчиликка мувофиқ ҳарбий хизматчилар ижтимоий ҳимоясининг асосий турларидан бири пул таъминоти. Хусусан, Олимлардан О.Коваленко, А.Бурыкин, И.Голобородько, Е.Горгола, В.Стрекозовалар ўз тадқиқотларида ҳарбий хизматчиларнинг пул-моддий таъминоти ҳеч қачон аҳамиятини йўқотмаганлигини, моддий манфаатдорлик ҳиссини оширишда доимо асосий мотивацион омил бўлганлигини қайд этишган .

Таъкидлаш жоизки, ҳарбий соҳадаги илмий тадқиқотларда 2002 йилдан бошлаб 20 дан ортиқ қабул қилинган ҳукумат қарорлари билан пул таъминоти бўйича маошлар оширилганлиги таъкидланади, ҳарбий хизматчилар учун мансаб маоши янги миқдорлари белгиланганлиги қайд этилади. Дарҳақиқат, касб маҳоратини рағбатлантириш мақсадида малака даражалари учун пул мукофотининг қўшимча турлари, иқлим шароитлари оғир бўлган жойлардаги хизмат учун ҳудудий коэффициентлар қўлланмоқда. Турар-жой ижараси учун компенсация тўловлари оширилди, ҳарбий хизматчилар пул таъминотига белгиланган хизмат муддати учун ойлик фойзли устама ҳақ миқдорлари белгиланган . Асосийси мазкур тўловлар қатъий равишда давлат бюджети ҳисобдан амалга ошириб келинмоқда. Чунки, олимлар ўринли эътироф қилганидек, Қуролли Кучларда ижтимоий ҳимоялаш махсус фондлари чекланган. Мудофаа доктринасига кўра эса, давлат бюджети таркибий қисми бўлган мудофаа бюджети Қуролли Кучларни молиявий таъминлаш асоси ҳисобланади.

Н.Серебрякова ва В.Антипьевалар таъкидлашича, ҳарбий хизматчилар пул таъминоти АҚШ тажрибасига кўра, фуқарога меҳнат муносабатларида тўланадиган меҳнатга ҳақ тўлаш миқдоридан юқори бўлиши лозим ва уни ўртача 30%га кўтариш, индексациялаш лозим . Биз ҳам шу фикрга қўшилаемиз. Зеро, ҳарбий хизматчилар баъзи ижтимоий имтиёزلардан етарли даражада фойдалана олмайди. Масалан, барча ҳарбий қисмларда бюджетдан ташқари жамғармаларни шакллантириш, унинг молиявий манбаини аниқлашнинг имкони йўқ.

Н.А.Серебрякова “Россия Федерациясида ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий таъминоти мутлақ федерал бюджет ҳисобидан амалга оширилади, бунда Пенсия ва Ижтимоий суғурта Фондлари маблағи жалб этилмайди”, деб таъкидлайди . Иқтисодчи олим И.Голобородько эса ҳарбий хизматчилар нодавлат пенсия тизими, уй-жой таъминотини нодавлат ипотека дастурларини жорий қилиш мумкинлиги ҳақида фикрлар берган .

Мазкур фондлар И.Валиханов ўринли қайд этганидек, “юқори ойлик маошлар билан таъминлаш” юкини қоплай олмасада, муайян молиявий кўмак кўрсатишда ёрдамчи манба вазифасини ўтайди.

Бизнинг фикримизча, ҳарбий хизматчилар ижтимоий ҳимоясини нодавлат маблағларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириш имкониятини кўриш ортқча зарар қилмайди. Зеро, Мудофаа доктринамизда ҳарбий тизимга хусусий инвестиция дастурларини жалб қилиш мумкинлиги назарда тутилган, ижтимоий ҳимоянинг нодавлат сектори эса жаҳонда ривожланиб бормоқда.

Ҳарбий хизматчилар давлат ижтимоий таъминотининг навбатдаги асосий туридан бири бу - пенсия таъминоти бўлиб, унинг луғавий маъноси “тўлов” ҳисобланади. Пенсия хизмат муддатини ўтаган, соғлиғи туфайли ногирон бўлиб хизматдан бўшатиш ёхуд хизматда ҳалок бўлган (вафот этган) шахс ва унинг оиласининг асосий таъминот манбаи.

Н.В.Тютюновнинг таъкидлашича, “ҳарбий пенсия”нинг аниқ таърифи қонунчиликда кўрсатилмаган бўлиб, уни ҳукукий жиҳатдан мустаҳкамлаш учун ҳарбий хизматчиларнинг пенсия таъминоти тўғрисидаги қонунчиликда акс эттириш мақсадга мувофиқ. Ҳарбий пенсия икки томонлама хусусиятга эга, яъни йўқотилган даромадлар учун компенсация ҳамда ҳарбий хизматдаги қийинчиликлар ва йўқотишлар учун компенсация ҳисобланади.

Д.Н.Ермаков ва С.А.Хмелевскаяларнинг фикрича, ҳарбий пенсия нафақат йўқотилган иш ҳақи, балки ҳарбий хизматчининг соғлиғига (ҳаётига) етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш сифатида ҳам талқин қилиниши керак.

О.Ҳакимовнинг қайд этишича, “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонуни 5-моддасида ҳарбий хизматчиларни, шунингдек уларнинг оила аъзоларини пенсия билан таъминлаш шартлари, нормалари ва тартиби Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан белгиланиши кўрсатиб ўтилган бўлсада, қарийб 30 йилдан буён ҳарбий хизматчиларнинг пенсия таъминоти ҳақидаги миллий қонунимиз қабул қилинмаган. Ҳарбий хизматчиларни пенсия билан таъминлаш шартлари, нормалари ва тартиби бугунги кунгача асосан собиқ Совет Социалистик Республикалар Иттифоқининг 1990 йил 28 апрелдаги қонунига мувофиқ ҳал этиб келинмоқда.

Қоида бўйича пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган ҳарбий хизматчига пенсиянинг фақат бир тури тайинланади. Ҳарбий хизматчилар пенсиясининг нисбатан мураккаб тури, бу - узоқ йиллик хизмат пенсияси ҳисобланади. У 20 йил ва ундан зиёд хизмат муддатига эга бўлган контракт асосидаги ҳарбий хизматчиларга тайинланади. Узоқ йиллик хизмат пенсияси камида 20 йил хизмат муддатига эга бўлган ҳарбий хизматчиларга: 20 йил хизмат учун – пул таъминотининг 40% миқдорида, худди шунингдек ёш бўйича ёки касаллик бўйича хизматдан бўшатишганда – пул таъминотининг 45% миқдорида; 20 йилдан ортқ ҳар бир хизмат йили учун тегишли пул таъминотининг 3%, лекин ҳаммаси

бўлиб ушбу тўловларнинг жами 75% миқдорида белгиланади. Ҳарбий хизматчилар хизматни ўташ даврида ёки хизматдан бўшагач 3 ой ичида ногирон бўлса, ёхуд хизматда орттирилган контузия, яраланиш, шикастланиш ёки касалликка чалиниш оқибатида ногиронлик рўй берса, уларга ногиронлик пенсияси белгиланади. 1 ва 2-гурӯх уруш ногиронларига пул таъминотининг 75%, 3-гурӯхга 50%; бошқа сабаблар билан ногирон бўлган 1, 2- гурӯх ҳарбий хизматчиларга 55%, 3-гурӯх ногиронларга 30% қилиб пенсиянинг таянч миқдорлари ўрнатилган.

М.Зиядуллаев муддатли ҳарбий хизматчига ҳам 3-гурӯх ногиронлиги учун пенсия тўлашни ижобий ҳал қилиш лозим, деб ҳисоблайди. Қайсидир маънода ушбу фикр ўринли. Чунки, муддатли аскарлар хизматда ногирон бўлиши мумкин. Лекин, амалдаги тартибда улар Бюджетдан ташқари пенсия бўлимларига мурожаат қилганида, фуқаролик пенсиялари сингари 3-гурӯхга пул тўланмайди. ҳарбий хизматчи хизматни ўташда вафот этса унинг оиласига боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланади.

Шунингдек, хизматдан бўшагач 3 ой ичида вафот этган бўлса, ёхуд хизматдан бўшатирилган тақдирда ҳам орттирилган контузия, яраланиш, шикастланиш ёки касалланиш оқибатида ўлим юз берганида ҳарбий хизматчи оиласига пенсия тайинланади. Пенсия оладиган оила аъзолари эса ҳарбий хизматчининг қарамоғида бўлган меҳнатга лаёқатсиз шахслар. Улар 6 ой ичида мурожаат қилишлари лозим. Ушбу вазиятда ўз вақтида олинмай қолган пенсия пули ўтган давр учун муддати чекланмаган ҳолда халқ банки филиалларида тўлаб берилади.

Бизнинг фикримизча, 1990 йилдаги қонун амалда бўлгани билан унинг кўпгина меъёрлари эскирган, амалда ишламайди. Масалан, қонуннинг 12-моддасига кўра СССР Олий Совети томонидан алоҳида қаҳрамонлик кўрсатган ҳарбий хизматчиларга алоҳида хизматлари учун пенсиялар (пенсии за особые заслуги) ҳозир йўқ. Умуман олганда, ҳарбий пенсия таъминотини такомиллаштириш зарур. Чунки, қоғоз шаклида мурожаат қилиш, меҳнат (хизмат) стажини эскича ҳисоблаш, маълумотларни электрон тарзда олиш имконияти йўқлиги Қуролли Кучларимизда пенсия ва нафақа ислоҳотлари ўтказилишини талаб қилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хулоса қилиш мумкинки, ҳарбий хизматчилар ўз ҳуқуқларидан хизмат шартлари ва чекловларини ҳисобга олиб фойдаланадилар. Ҳарбий хизматчилар ижтимоий таъминот ҳуқуқлари мамлакат ижтимоий дастурларида эмас, балки мақсадли режаларда акс этади. Шу жумладан, ҳарбийлар “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” га кирмайди, улар оила аъзолари аризалари ҳам қабул қилинмайди,

Ўзбекистоннинг “2021-2030 йилларда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш миллий стратегияси”да ҳарбийлар хусусида сўз юритилмайди.

Ҳарбий хизматчилар ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояси кўпроқ прогматик тусга эга бўлгани учун асосий вазифалар кўпинча мудофаа ва хавфсизлик соҳасига оид ҳужжатларда ўз ифодасини топиб келмоқда. “Қуролли Кучларни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш вазифаларини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури” (6-бўлим), “Мудофаа доктринаси” (35-банд), “Жамоат хавфсизлиги концепцияси” (3-банд) шулар жумласидандир. Ҳарбий ижтимоий ҳимоя мудофаа ва хавфсизлик соҳасидаги ислохотларнинг асосий йўналишларидан бири экан, у доимий равишда диққат-эътибор марказида бўлиши мақсадга мувофиқ. Зеро бу ҳақда Хавфсизлик кенгаши йиғилишларида Қуролли Кучлар Олий бош қўмондони Ш.Мирзиёев ҳам ўз нутқларида ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий таъминот тизимини янада такомиллаштириш муҳим вазифа бўлиб қолишини бежиз таъкидлагани йўқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60 сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси // www.lex.uz.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомни тақдислаш ҳақида”ги ПҚ-4447-сон қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси // www.lex.uz.

3. Хакназаров Х.Д. Ҳарбий хизматчилар кундалик ҳаётида конституция ва қонунларни ўрганишнинг аҳамияти. - Т.: Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий-техник институти ахборотномаси, 2020 йил, 4-сон. - Б.84.

4. Газиёв Ш.М. Ҳарбий ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя: тушунчаси ва моҳияти // “Жиноят процессида терговга қадар текширув ҳуқуқий институтини такомиллаштириш: муаммо ва ечимлар” мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Т.: ЖХУ нашриёти, 2021 йил. – 103 б.

5. Газиёв Ш.М. Ҳарбий хизматчи оиласини ижтимоий ҳимоялаш – ҳарбий ватанпарварликни шакллантириш омили сифатида // “Ҳарбий ватанпарварлик – юксак ишонч ва садоқат тимсоли” мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Т.: ЖХУ нашриёти, 2020 йил. – 53 б.

6. Рогачевский О.М. Социально-правовая защита военнослужащих пограничных органов и пограничных войск Федеральной службы безопасности и членов их семей: автореф...дисс.канд.юрид.наук. Москва. 2005 г. – С.11.
7. Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш - мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т.19. - Т.: “Ўзбекистон”, 2011. – Б.102.
8. Усманова М.А., Турсунов Й. Аҳолига ижтимоий муҳофаза ёрдами ташкил этиш. –Т.: Давр нашриёти, 2012. – Б. 45.
9. Серебрякова Н.А. Совершенствование системы социальной защиты военнослужащих: автореф...дисс.канд. экон.наук. Саратов. 2009 г. - С.13.
10. М.В.Воронцева, Макаров В.Е. Социальная защита и социальное обслуживание населения. Учебно-методическое пособие. – Таганрог: Издат. С.А.Ступина, 2015 г. – С.158.
11. Шипулина Л.М. Социальное обслуживание населения в Российской Федерации (правовые вопросы). Екатеринбург, 2012 г. – С.3.
12. Голобородько И.В. Финансовое и институциональное регулирование системы социальной защиты военнослужащих профессиональной армии: автореф...дисс. канд.экон.наук. Ярославль, 2003 г. – С.9.
13. Антипьева Н.В. Социальное обеспечение военнослужащих: проблемы правового регулирования: автореф. дисс.док-ра.юрид.наук. Санкт-петербург.2010. - С.3.
14. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий таъминот ҳуқуқи. Дарслик. Масъул муҳаррир А.Иноятов. - Т.: ТДЮИ, 2005 йил. – Б. 6.
15. Пчелинцева Л.М. Право на жилище военнослужащих: теоретические аспекты и проблемы реализации: автореф...дисс. док-ра. юрид.наук. Москва. 2004. – С.3.
16. Лемехов А.А. Обязательное государственное страхование рисков военнослужащих: автореф...дисс. канд. экон. наук. Санкт-Петербург. 2008 г. – С.4.
17. Васильев С.В. Обязательное государственное страхование в системе социальной защиты
18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида тан жароҳати олган ҳарбий хизматчиларга (ходимларга) ёки ҳалок бўлган (вафот этган) ҳарбий хизматчиларнинг (ходимларнинг) оила аъзоларига бир марталик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги ПҚ-4382-сон қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. www.lex.uz.

19. Антипьева Н.В. Социальное обеспечение военнослужащих: проблемы правового регулирования: автореф. дисс.док-ра.юр.наук. Санкт-петербург.2010. - С.11.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60 сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси // www.lex.uz.

21. Файзиев Ш., Норматов Н. ва бошқалар. Янги қонунлар моҳияти. Масъул муҳаррир Файзиев Ш. – Т.: Илм-зиё, 2009. – 156 б.

22. Коваленко О.С. Финансовые методы стимулирования профессиональной военной службы в Вооруженных Силах Российской Федерации: автореф...дисс. канд.экон.наук. Ярославль, 2002 г. – С.182;

23. Голобородько И.В. Финансовое и институциональное регулирование системы социальной защиты военнослужащих профессиональной армии: автореф...дисс. канд.экон.наук. Ярославль, 2003 г. – С.10.

24. Серебрякова Н.А. Совершенствование системы социальной защиты военнослужащих: автореф...дисс.канд. экон.наук. Саратов. 2009 г. - С.15; Антипьева Н.В. Единство и дифференциация в праве социального обеспечения. Монография. Издательство “Проспект”, 2016 г. – С.137.

25. Валиханов И. Кичик командирларда психологик-педагогик компетенцияларни шакллантириш омиллари. Т.: Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий-техник институти ахборотномаси, 2018 йил, 1-сон. –Б.102.

26. Тютюнов Н.В. Сущность и специфика пенсионного обеспечения российских военнослужащих. <https://cyberleninka.ru>.

27. Ермаков Д.Н., Хмелевская С.А. Пенсионное обеспечение военнослужащих: проблемы и возможные решения. <https://cyberleninka.ru>

28. Ҳақимов О. Қуроли кучлар тизимида ҳарбий хизматчиларга пенсияни ҳисоблашнинг айрим жиҳатлари 29. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги 252-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низом. “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2011 йил, 37-сон, 377-модда.

30. Зиядуллаев М. Ўзбекистонда ижтимоий таъминот ҳуқуқи ва пенсия таъминоти соҳасида 2017-2021 йилларда амалга оширилган туб ислохотлар. // Жамият ва инновациялар. 2001 йил, 8-сон. – Б.127.

31. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 5 мартдаги “Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 122-сон қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. www.lex.uz.